

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил апрель ойининг 3 куни, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: ██████████,

судлов ҳайъати аъзолари, судьялар: ██████████ билан ██████████ дан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси ██████████ нинг котиблигида, тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори ██████████, фуқаровий даъвогар ██████████, судланувчи ██████████ ва унинг ҳимоячиси адвокат ██████████ ларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2025 йил 11 мартдаги ҳукмига нисбатан Қизилтепа туман прокурори томонидан келтирилган протест ва судланувчи ██████████ ва унинг ҳимоячиси адвокати ██████████ лар томонидан келтирилган апелляция шикоятини асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2025 йил 11 мартдаги ҳукмига кўра:

1966 йил 9 февралда Қизилтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 5 нафар фарзанди бор, судланмаган, Қизилтепа тумани, “Шейхон” МФЙ, “Оби ҳаёт” кўчаси, 58-уйда яшаган, унга нисбатан “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси ва ҳукм нусхасини ўз вақтида олган ██████████

Ўзбекистон Республикаси ЖК 185²-моддасининг 2-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукми билан ██████████ дан “Hududgaz Navoiy” газ таъминоти филиали фойдасига 68.844.000 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Р.Файзиев, “Hududgaz Navoiy” газ таъминоти филиали билан табиий газ етказиб бериш бўйича шартнома тузмасдан, табиий газ етказиб беришга рухсат этилмаган бўлса-да, яшаб келаётган Қизилтепа тумани, “Шейхон” МФЙ, “Оби ҳаёт” кўчаси, 45^А-уйда газ плитаси ва иситиш печини умумий фойдаланишдаги газ тармоғига ўзбошимчалик билан улаб олиб, 2021 йилнинг 21 ноябрь кунидан 2024 йилнинг 21 ноябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газдан



фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли Қарорининг 2-илоvasи 129-бандига зид равишда, яъни “Ваколатли ташкилотлардан рухсат олмасдан, лойиҳа техник хужжатларсиз, шартнома расмийлаштирмасдан табиий газдан фойдаланиши” тартибини бузган ҳолда ноқонуний равишда 26.487,63 м³ табиий газдан фойдаланиб келиб, “Hududgaz Navoiy” газ таъминоти филиали Қизилтепа туман филиали манфаатларига жами 68.844.000 сўмлик анча миқдорда зарар етказган.

Протестда, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли суд ҳукмини қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Шикоятда, айблилиги хусусида сўз юритмаган ҳолда, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, ишни ЖКнинг 66-моддасига асосан тугатишни сўраган.

Судлов хайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси [REDACTED]нинг маърузасини, прокурор [REDACTED]нинг келтирилган протест ва шикоятни қаноатлантириб, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ўзаро ярашганликлари боис, судланувчи [REDACTED]ни тайинланган жазодан озод этиш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ҳамда унинг адвокати [REDACTED]нинг келтирилган шикоятни қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятидаги важларни жиноят иши хужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, суд ҳукмини ўзгартириб, томонларнинг ўзаро ярашгани боис, судланувчи [REDACTED]ни ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

Судланувчи [REDACTED]ни суд ҳукмида қайд этилган жиноятни содир этишдаги айби, ўзининг иқрорлик кўрсатувидан ташқари, табиий газдан ноқонуний равишда фойдалангани ҳолати юзасидан расмийлаштирилган далолатнома, ҳодиса жойини, яъни [REDACTED]ни яшаш хонадонини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва илова хужжатлари, улгуржи истеъмолчи томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилгани аниқлангани тўғрисидаги далолатнома, илова фотосуратлари, судга оид комплекс иқтисодий экспертиза хулосаси, шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топган.

Суд, [REDACTED]нинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 185²-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги қайд этилган.

Апелляция инстанцияси судида фуқаровий даъвогар [REDACTED] судланувчи [REDACTED] томонидан жиноят оқибатида етказилган барча зарарлар қопланганлигини, ҳозирда [REDACTED] билан ярашганлиги ва унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги сабабли [REDACTED]ни жазодан озод этишни сўраб, бу ҳақдаги ёзма аризасини судга тақдим этди.

Судлов хайъати, юқорида қайд этилганларга кўра, [REDACTED]нинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, жиноят оқибатида етказилган



зарарларни қоплаганлигини, фуқаровий даъвогарларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва у ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи маротаба содир этганлигини инobatга олиб, уни ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 497¹³-497¹⁸ 497²⁶, 497³⁰-497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2025 йил 11 февралдаги [REDACTED] га оид ҳукми ўзгартирилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 185²-моддасининг 2-қисми билан тайинланган жазодан озод қилинсин.

[REDACTED] дарҳол суд залидан “қамоқ” дан озод қилинсин.

Етказилган зарар “Hududgaz Navoiy” газ таъминоти филиали фойдасига тўлиқ тўланганлиги инobatга олинсин.

Апелляция протести ва шикояти қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 510-моддасига кўра, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

/имзо/

ҳайъат аъзолари:

/имзо/

/имзо/

нусхаси аслига тўғри,

маърузачи судья :

